



## МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

**Охунов Зафар Мамуржон ўғли**

ИИБ Академияси ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17248101>

**Аннотация.** Мақолада маъмурий жавобгарликдан озод қилишга оид нормаларни қўллаш амалиёти статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Судлар томонидан иш юритишни тугатиш кўрсаткичлари, ярашув институтининг жорий этилиши ва унинг ҳудудлар кесимидаги динамикаси очиб берилган. Кам аҳамиятлилик (МЖтК 21-моддаси), ярашув ҳамда оқибатлар бартараф этилган ҳолларда маъмурий жавобгарликдан озод қилиш амалиёти қиёсий баҳоланиб, ҳудудларда юқори қўлланиш тенденциялари, айрим ҳудудларда паст кўрсаткичлар сабаблари (ташкилий-институционал омиллар, демографик хусусиятлар) кўрсатилган.

**Калит сўзлар.** Маъмурий ҳуқуқ, маъмурий жавобгарлик, маъмурий жазо, маъмурий жавобгарликдан озод қилиш, иш юритишни тугатиш, ярашув институти, кам аҳамиятли ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳудудий таҳлил, статистик таҳлил.

Маъмурий жавобгарликдан озод қилишга оид қонунчилик нормаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қандай қўлланаётганини таҳлил қилиш маъмурий ҳуқуқда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки, ҳуқуқий норманинг самарадорлиги фақат унинг қонунчиликда мавжудлиги билан эмас, балки унинг амалда қандай татбиқ этилаётгани билан ҳам белгиланади. Шу нуқтаи назардан, терговга қадар текширув органлари ҳамда суд идоралари томонидан кўриб чиқилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳолатларини статистик таҳлил қилиш бир қатор илмий хулосалар чиқариш имконини беради.

Шунга кўра, сўнгги йилларда терговга қадар текширув органлари ҳамда суд идоралари томонидан кўриб чиқилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш билан боғлиқ ҳисоботлари чуқур таҳлил қилинди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан, ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли шахсни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш, ярашув тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқиш, шунингдек, айрим бошқа асосларга кўра маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ёки иш юритишни тугатиш





масалалари судлар ваколатига киради. Шу боис, ушбу йўналишдаги таҳлиллар асосан суд органлари фаолиятига оид расмий ҳисоботлар ва уларда акс эттирилган маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилди.


Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотларига кўра<sup>1</sup>, республикада 2020 йилда судлар томонидан **341 469** та маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш кўриб чиқилган бўлиб, уларнинг 116 141 таси ёки 34 фоизи иш юритишдан тугатилган. Маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар бўйича “ярашув институти” ҳали қонунчиликда мавжуд бўлмаганлиги туфайли, бу даврди ишлар тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилмаган.

2021 йилда эса Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги Қонуни (ЎРҚ-720-сон, 2021 йил 4 октябр) қабул қилингани маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишларни тарафларнинг ярашилганлиги муносабати тугатиш имкониятини берди. Шу йилда республика судлари томонидан жами **428 869** та иш кўриб чиқилиб, улардан 148 343 таси (34,6%) иш юритишни (шундан, 57 545 таси ярашув асосида – тугатилган ишларнинг 38,8 %) тугатилди. Бу ҳолат ярашув институтининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида тобора кенг қўлланила бошлаганини ва турли конфликтли вазиятлар (низоларни) бартараф этишда самарали восита сифатида шаклланганини тасдиқлайди.

2022 йилда судларда жами **539 686** та иш кўрилган бўлиб, улардан 195 112 таси ёки 36,1 фоизи иш юритишни тугатиш билан якунланган. Шу йилда ярашув асосида 60 923 та иш тугатилиб, уларнинг улуши 31,2 фоизни ташкил этган. Ушбу тенденциялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар характери ва улардаги ижтимоий хавф даражасига боғлиқ ҳолда ярашувдан муҳим процессуал восита сифатида фойдаланиб келинаётганидан далолат беради.

2023 йил эса ярашув институтининг энг фаол қўлланилган йили сифатида ажралиб туради. Жами **600 966** та ишдан 232 618 таси (38,7%) тугатилган бўлиб, уларнинг 98 659 таси ярашув орқали ҳал этилган. Бу эса жами тугатилган ишларнинг 42,4 фоизини ташкил қилади. Бу кўрсаткичлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида ярашув институти унинг бош мезони бўлган инсонпарварлик тамойили асосида ҳуқуқбузар ва

<sup>1</sup> Jinoyat ishlari bo'yicha sudlarning 2024 yil asosiy ko'rsatkichlari. <https://stat.sud.uz/assets/uploads/criminal/pdf/criminal-2024-full.pdf>.





жабрланувчи ўртасида ижтимоий адолатни тиклашда самарали механизм сифатида тобора катта ўрин эгаллаб бораётганидан далолатдир.


2024 йилда эса **613 142 та** ишдан 203 303 таси ёки 33,1 фоизи иш юритишни тугатиш билан яқунланган. Шу йилда 55 896 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш ярашув асосида ҳал этилган бўлиб, унинг жами тугатилган ишлардаги улуши 27,5 фоизга тўғри келган. Ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни тугатиш ва ярашув институтини қўллаш амалиётининг пасайишни ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий табиатидаги ўзгаришлар, айрим тоифадаги ҳуқуқбузарликлар бўйича ярашув имкониятларининг чеклангани, шунингдек, ҳуқуқни қўлловчилар томонидан масалага эҳтиёткорлик билан ёндашиши билан изоҳланади.

2025 йилнинг ўтган 6 ойида судларда жами **301 528 та** маъмурий ҳуқуқбузарлик иши кўриб чиқилиб, уларда 357 402 нафар ҳуқуқбузар иштирок этган. Иш юритиш тугатилган ишлар сони 101 660 та бўлиб, бу жами кўрилган ишлар ҳажмининг 33,7 фоизини ташкил этган. Тугатилган ишлар доирасида 131 421 нафар ҳуқуқбузар қамраб олинган.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан, ушбу кўрсаткич судларда кўриб чиқилган маъмурий ишларда иш юритишни тугатиш, шу жумладан, маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институтининг улуши сезиларли даражада ўрин эгаллаб бораётганидан далолат беради. Чунки, айрим аввалги йилларда ишларни тугатиш кўрсаткичлари пасайиб кетган бўлса, 2025 йилнинг дастлабки ярмида уларнинг умумий ишларга нисбатан салмоғи барқарор даражада сақланиб қолган.

Ҳудудлардаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритишни тугатиш, шу жумладан, маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институтини қўллаш амалиёти таҳлил қилинганда қуйидагилар маълум бўлди.

Таҳлиллар давомида ҳудудларда маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир иш юритишни тугатиш амалиёти 2020 – 2023 йилларда изчил ўсгани, 2024 йилда эса аксар ҳудудларда маълум даражада пасайиш ёки барқарорлашиш кузатилганини маълум бўлди. Айниқса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ушбу давр мобайнида ушбу кўрсаткичлар бўйича барқарор равишда етакчи бўлиб келган, жумладан, 2021 – 2023 йилларда ушбу ҳудудларда иш тугатиш ҳажми кескин ўсган (*Тошкент ш. 2021 й. – 17 650 та, 2022 й. – 26 131 та, 2023 й. – 29 154 та, Тошкент в. 2021 й. – 13 408 та, 2022 й. – 21 148 та, 2023 й. – 27 073 та*), 2024 йилда нисбатан камайиш (*Тошкент*





ш. – 23 970 та; Тошкент в. – 23 592 та) кузатилган бўлса-да, бироқ миқдор жиҳатдан республикадаги қолган ҳудудларга нисбатан энг юқори кўрсаткични сақлаб қолган. Ундан кейинги ўринларни Самарқанд, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари эгаллаб, ушбу ҳудудларида ҳам иш юритишни тугатиш амалиёти юқори кўрсаткични ташкил этган. Хусусан, 2020 йилга нисбатан 2022 – 2023 йилларда ушбу кўрсаткич сезиларли даражада кўпайган (Самарқанд 2022 й. – 16 161 та, 2023 й. – 19 825 та, Фарғона 2022 й. – 19 218 та, 2023 й. – 23 287 та, Қашқадарё 2022 й. – 14 315 та, 2023 й. – 17 496 та) бўлса-да, 2024 йилда бироз камайиш ва барқарорлашиш тенденцияси кузатилган.


Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида 2020 – 2023 йилларда маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш тугатиш кўрсаткичлари босқичма-босқич ошиб боргани яққол намоён бўлади. 2024 йилда эса уларда ҳам республиканинг барча ҳудудларида бўлгани каби камайиш қайд этилган (2024 йилда, Андижон – 12 128 та, Наманган – 12450 та, Сурхондарё – 12 563 та). Бу ҳудудларда аниқланган динамика, одатда, келиб тушган ишларнинг ҳажми ва маъмурий амалиётдаги процессуал механизмлардан фойдаланиш интенсивлиги билан боғлиқ ҳолда шаклланган.

Қуйи кўрсаткичларни Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятлари эгаллаган. Ушбу ҳудудлардаги 2021-2024 йиллардаги ўртача кўрсаткич 4000 тадан 10 000 тагача ташкил этган.

Шунингдек, тадқиқот давомида 2024 йил якуни бўйича Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича маъмурий жавобгарликдан озод қилиш амалиёти ҳудудлар, маъмурий жавобгарликдан озод қилиш турлари кесимида қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинди.

**Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли маъмурий жавобгарликдан озод қилиш (МЖТК 21-моддаси).** Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати маълумотларига кўра<sup>2</sup>, ходимлари томонидан 2024 йилда республика бўйича жами **55 001** та иш ушбу асос билан яқунланган. Ушбу асосга кўра тугатилган ишларнинг асосий қисми Тошкент вилояти (**13 536**) ҳисобига тўғри келади, ундан кейинги ўринларни миқдор кўрсаткичлари бўйича Сурхондарё (**4 719**), Самарқанд (**4 458**), Бухоро (**4 416**) ва Навоий (**3 919**) вилоятлари ўрин

<sup>2</sup> ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати маълумоти.





эгаллаган. Тошкент шаҳри (3 700), Андижон (3 746), Қашқадарё (3 229), Хоразм (3 050), Фарғона (2 518), Сирдарё (2 449) ва Наманган (2 376) вилоятлари ўртача кўрсаткични қайд этган. Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институтини энг кам қўллаган ҳудудлар Қорақалпоғистон Республикаси (1 429) ва Жиззах (1 428) вилояти ҳамда Транспорт хавфсизликни таъминлаш хизмати (28) ҳисобланади.

Таҳлиллар МЖТК 21-моддаси (кам аҳамиятлилик) нормасининг татбиқ этилиш интенсивлиги ҳудудлардаги демографик-ижтимоий омиллар, иш юритувидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар сони билан тўғридан-тўғри корреляцияланишини кўрсатади. Чунки, аҳоли зич жойлашган ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар сони кўп бўлган ҳудудларда мазкур норма кўп қўлланилган. Аксинча, ишлар сони кам бўлган ёки аҳоли зич бўлмаган ҳудудларда кам аҳамиятлилик асоси билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳолатлари нисбатан кам қайд этилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддасида ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари бартараф этилган тақдирда шахсни жавобгарликдан озод этиш назарда тутилган асос бўйича республика ҳудудларидаги ҳолат таҳлил қилинганда, айрим салбий тенденциялар кузатилди.

Республикада **ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари бартараф этилган тақдирда шахсни жавобгарликдан озод этиш** (МЖТК нормаларида назарда тутилган асослар бўйича) ҳолатлари жами **4 249 та** қайд этилган. Наманган вилоятида ушбу асосга кўра иш тугатиш ҳолатлари кўп (**1 650**) қайд этилган. Ундан кейинги ўринларни Тошкент вилояти (**1 093**) ва Тошкент шаҳри (**524**) эгаллаган. Ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари бартараф этилган тақдирда шахсни жавобгарликдан озод этиш ҳолатлари қолган ҳудудларда жумладан, Сурхондарё (**259**), Қашқадарё (**238**), Навоий (**154**), Хоразм (**93**), Самарқанд (**68**), Сирдарё (**44**), Бухоро (**37**), Андижон (**30**), Жиззах (**28**), Фарғона (**14**), Қорақалпоғистон Республикаси (**17**) нисбатан ўртача кўрсаткичлар қайд этилган. Транспортда ХТХда ушбу асос билан ишлар тугатилмаган.

Бундай асимметрия, ҳуқуқбузарликлар бўйича зарарни тезкор қоплаш амалиётининг ҳудудий даражада қандай йўлга қўйилгани ва идоралараро ҳамкорликга, яъни **реституция** (этказилган зарарни тўлиқ қоплаш) ёки **даъво предметини бартараф этиш** каби ташкилий-процессуал масалалар





тезкор ҳал этилишига боғлиқ эканини англатади. Демак, қайси ҳудудда зарарни баҳолаш ва қоплаш тартиби, жабрланувчи билан ҳисоб-китобни расмийлаштириш, тегишли идоралар (масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар ва бошқ.) ўртасидаги **координация** ва бошқа ҳуқуқий масалалар ижобий йўлга қўйилган бўлса, ушбу ҳудудларда мазкур институтнинг қўлланиш кўрсаткичи юқори бўлади. Аксинча, қайси ҳудудда ташкилий-институционал масалалар тўғри йўлга қўйилмаган бўлса, бу албатта кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатади (масалан, Фарғона – 14, Жиззах – 28, Қорақалпоғистон Р. – 17).

Маъмурий жавобгарликдан озод қилишнинг яна бир тури сифатида **тарафлар ярашганлиги муносабати билан шахсни маъмурий жавобгарликдан озод этиш** республикада **жами 81 040 та** қайд этилган. Таҳлиллар давомида ушбу ижобий амалиётни энг кўп қўллаган ҳудудлар бўлиб, Қашқадарё (12 502), Тошкент (11 674) ва Фарғона вилоятлари (10 295) ҳисобланади. Ундан кейинги ўринларни Наманган (7 647), Самарқанд (6 786), Сурхондарё (6 683) ҳамда Бухоро вилоятлари (5 984) эгаллаган. Қолган ҳудудларда ушбу кўрсаткич нисбатан пастрок ҳисобланади. Масалан, Тошкент шаҳрида 4 279 та, Сирдарёда 3 375 та, Навоийда 3 132 та, Андижонда 2 988 та, Жиззахда 2 666 та, Хоразм вилоятида 1 601 та, Қорақалпоғистон Республикасида 1 380 та тарафлар ярашганлиги муносабати билан шахсни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ҳолатлари қайд этилган. Транспортда хавфсизликни таъминлаш хизмати бўйича ярашув амалиёти деярли учрамайди (48).

Юқорида келтирилган рақамлар ярашув институтини қўллаш амалиётининг ҳудудлардаги ҳолатини очиб беради. Ярашув нисбатан кўп қўлланадиган ҳудудларда (масалан, Қашқадарё, Тошкент в., Фарғона) қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

ярашув институтини қўллаш амалиёти тизимли йўлга қўйилган;

зарарни баҳолаш ва қоплатиш амалиёти яхши йўлга қўйилган;

медиатив тартиб-қоидалардан кенг фойдаланилган;

профилактика хизмати, “маҳалла еттилиги”, адвокатура, суд ва бошқа идоралар ўртасидаги идоралараро координация самарали йўлга қўйилган.

Ярашув нисбатан кам қўлланилган ҳудудларда (масалан, Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси) юқоридаги ҳолатлар тўғри йўлга қўйилмагани билан изоҳланади. Бундан ташқари, ҳар қандай механизмнинг миқдор кўрсаткичларига ҳудуднинг ўзига хос ижтимоий-демографик маълумотлари ўз таъсирини кўрсатишини ҳам унутмаслик





лозим. Чунки, маълум бир ҳудудда аҳоли ва ҳуқуқбузарликлар сонининг камлиги, уларнинг якуни бўйича қабул қилинадиган қарорларнинг ҳам кам қайд этилишидан далолат беради.

